

СУҒУРТА КОРХОНАЛАРИДА АУДИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада суғурта хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказиш мақсади, аудит вазифалари ва уларни яхшилашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: Суғурта, аудит, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, суғурта хизматлари.

Аннотация: В статье разработаны цель проведения аудита в организациях, оказывающих страховые услуги, задачи аудита и предложения и рекомендации, направленные на их совершенствование.

Ключевые слова: Страхование, аудит, бухгалтерский учет, отчетность, страховые услуги.

Abstract: In the article, the purpose of conducting an audit in entities providing insurance services, audit tasks and proposals and recommendations aimed at their improvement have been developed.

Keywords: Insurance, audit, accounting, reporting, insurance services.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикамиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Президентимиз қатор нутқларида суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича таъкидлайдилар: “Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир.”¹

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юқори натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, маҳсулот сифатини яхшилаш таъминланмоқда. Иқтисодиёт ривожланишини янги босқичга кўтаришга қаратилган “Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича вазифалари белгиланган.”² Ушбу вазифаларни амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини суғурта қилиш билан бевосита боғлиқ.

¹ <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/sugurta-bozorini-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qilindi.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январ, № ПФ-60.

Суғурта фаолияти иқтисодий инфратузилманинг ажралмас қисми сифатида бир томондан, ижтимоий кафолатни таъминласа, иккинчи томондан, шартномавий мажбурият ва тарифлар механизми орқали турли суғурта рискларидан огоҳ этиш негизида иқтисодиёт субъектлари манфаатларининг ҳимоясини ҳам ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон тараққарриётининг ҳозирги даври ва бошланган ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган стратегик ҳужжатлар республиканинг ички ва ўз инвестиция имкониятларидан фаол фойдаланишни кўзда тутди

Шу нуқтаи назардан, миллий суғурта тизимини тўғри ташкил этиш ва суғуртанинг бир неча ижтимоий турларини жадал ривожлантириш заминиди катта захира мавжуд. Суғурта соҳаси инсон ҳаёти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади, у зарарни қоплаш ва омонатни тўплаш вазифаларини бажаради. Суғурта институтининг ўтиш даври иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эгаллиги қатор омиллар билан белгиланади.

2021 йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари ўртача 48,8 минг сўмни (6,0 АҚШ дол.) ёки унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлилларга қараганда, суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши Ғарбий Европада 8,4; Осиёда 6,1; Россияда 1,3; Қозоғистонда 0,85 фоиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида 36 та суғурталовчи, шундан 28 таси умумий суғурта тармоғида ва 8 таси ҳаётни суғурта қилиш тармоғида, шунингдек 5 суғурта брокери, 5 актуар ташкилот ҳамда 22 ассистанс, ажастер, сюрвейер компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида суғурта бўлимлари сони — 1 773 тага етди. Суғурталовчилар штатида 6,6 минг ходим ва 8,9 мингта суғурта агенти фаолият кўрсатмоқда.³

Маълумки, суғурта фавқулодда кўрилиши мумкин бўлган ҳодисалар оқибатида хўжалик субъектлари ва аҳоли кўриши мумкин бўлган зарарларни камайтириш ёки бартараф этиш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоя этади.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиши қуйидаги аҳамиятларга эга:

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/05/19/insurance/>

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши учун эҳтимол тутилган турли ҳодисалар оқибатида етадиган зарарлардан ҳимоялаш;
- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳимоялаш ва ижтимоий ҳолатни яхшилаш;
- ҳар бир субъектнинг турли хавфга эга бўлган фаолиятини амалга оширишда уларни суғуртавий ҳимоялаш;
- муомиладаги ортиқча маблағларни суғуртага жалб этиб уларни инвестицион маблағларга айлантириш ва иқтисодиётга киритиш орқали уни ривожлантириш ва бошқалар.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Суғурта фаолияти ўзига хос хусусиятга эга аудит объектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Суғурта соҳасидаги аудиторлик фаолиятини ўзига хослиги, аввало, бу борада махсус суғурта конунчилиги мавжудлиги, мазкур соҳада бухгалтерия ҳисобини юритишни, солиққа тортишнинг, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларини тайёрлашнинг ўзига хос қоидалари мавжудлиги ҳамда улар даромадларини тан олиниши, харажатларни шакилланиши ва ҳужжатларнинг расмийлаштирилишлари бошқа соҳа корхоналаридан тубдан фарқ қилиши билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги мавжуд конунчилик ва меъёрий ҳужжатлар жуда тезкорлик билан ўзгариб турган ва ниҳоятда кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда суғурта аудити бўйича ўқув ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш заруриятини туғдиради.

2. Суғурта корхоналари бухгалтерия ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтказиш улар аудитини ҳам айнан халқаро стандартларга таянган ҳолда текширишни тақазо этади. Бу ҳолат эса ҳозирги кунда муаммоли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

3. Суғурта ташкилотлари харажатлар аудитини ташкил этишда суғурта ташкилотининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган харажатлари аудит текширувидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

4. Суғурта ташкилотларида харажат ва фойданининг тақсимланишини шакллантириш билан боғлиқ маълумотлар аудиторлик назоратидан ўтказилганда, асосий эътиборни ҳақиқий ҳисоб маълумотларига қаратиш лозим.

5. Суғурта ташкилотларида харажатлар аудитининг асосий вазифалари қуйидагиларга қаратилиши лозим:

- кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрилигини аниқлаш;
- материал харажатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини текшириш;
- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов харажатларнинг тўғрилигини текшириш;
- амортизация харажатларини тўғрилигини текшириш;
- бошқа харажатларини тўғрилигини текшириш.

Суғурта корхоналарида бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш учун қуйидагилар ишларни ташкил этиш тавсия этилади:

- суғурта шартномаларини тузишда жамият томонидан ўрнатилган тартибларга қатъий риоя қилиш;

- суғурта шартномаларини тузишда жамиятда тасдиқланган намунавий шартномаларнинг актуал (янги наъмуна) шаклидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- суғурта шартномаларини тузиш бўйича мавжуд камчиликлар, яъни маълумотлар тўлиқ ва аниқ ёзилиши, ҳисобот мониторингларини аниқ ва тўлиқ маълумотлар киритиб бориш ҳамда уларда масъул ходимлар имзоларининг бўлишини таъминлаш;

- ҳар бир суғурта шартномаси бўйича йиғма жилдларни юритиш ва уларда ҳужжатлар тўпламининг бўлишини ҳамда уларнинг тўлиқлигини таъминлаш ҳамда суғурта иш жилдларида ҳужжатлар рўйхатини (опись) тузиб борилишини таъминлаш зарур;

- суғуртанинг умумий йўналишлари бўйича юритиладиган журнал ва китобларнинг ўрнатилган тартибларда юритилишини таъминлаш;

- филиал суғурта бўлимлари тўлақонли фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ишларини жонлантириш, вакант бўлган штатларига малакали ва тажрибали ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда улардан бўлинма даромад ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб олиш;

- филиалда мавжуд ҳисоботлар ва тегишли журналлардаги маълумотларни ўрнатилган тартибда тўлиқ ва белгиланган муддатларда юритилишини таъминлаш.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларимиз суғурта корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда ички аудитини яхшилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'Ktarnovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.

2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.

3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.

4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.

5. Baxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.

6. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.

7. Хусанов, М. (2021). Махсус саволлар бўйича ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ташкилий ва методологик асослари. *Общество и инновации*, 2(4/S), 564-571.

8. Хусанов, М. Х. (2021). THE NEED FOR A SPECIAL QUESTION-LIKED AUDIT. *Экономика и социум*, (5-2), 539-543.